



## ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Иминов Тўхтасин Нурмаматович**

*University of economics and pedagogy, Иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.ф.д.,  
доцент*

**Аннотация:** *Мақолада транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришда тақдим этилган имтиёзлари соҳасидаги илғор тажрибалари ўрганилиб, логистика экспедиторлик хизматларини ҳамда мултимодал логистика марказларини ривожлантириш орқали ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга эришиш масалалари ўрганилган.*

**Калит сўзлар:** *транспорт-логистика марказлари, тарифлар, диверсификация, транзит салоҳияти, солиққа тортиш юки, транспорт-экспедиторлик хизматлари, мултимодал логистика, халқаро юк ташувчилар.*

**Annotation:** *The article examines the best practices in the field of benefits provided in the development of the transport-logistics sector, the issues of achieving diversification of foreign trade routes through the development of logistics forwarding services and multimodal logistics centers.*

**Key words:** *transport-logistics centers, tariffs, diversification, transit potential, taxation burden, transport-forwarding services, multimodal logistics, international cargo carriers.*

**Аннотация:** *В статье рассмотрены передовой опыт в сфере льгот, предоставляемых при развитии транспортно-логистического комплекса, вопросы достижения диверсификации внешнеторговых маршрутов за счет развития логистическо-экспедиторских услуг и мультимодальных логистических центров.*

**Ключевые слова:** *транспортно-логистические центры, тарифы, диверсификация, транзитный потенциал, налоговая нагрузка, транспортноэкспедиторские услуги, мультимодальная логистика, международные грузоперевозчики.*

### КИРИШ

Юртимизда транспорт-логистика соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилди. Жумладан, 6 та қонун, 7 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва 9 тадан ортиқ халқаро конвенциялар қабул қилинган. Ташқи савдо транспорт йўлакларини янада диверсификациялаш учун қўшимча қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатдошлигини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрда



—2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида||ги ПҚ-3422-сонли қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга асосан автомобилларда халқаро юк ташишни амалга ошираётган миллий автотранспорт корхоналари ва транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш мақсадида уларга 2022 йилнинг 1 январига қадар бир қатор имтиёзлар тақдим этилган.

Адабиётлар шарҳи. Транспорт логистика инфратузилмасини ривожлантириш, унинг мазмуни ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларига таъсирини ўрганган бир қатор олимлар транспорт логистика инфратузилмасининг моҳияти ҳақида турли хил фикрларни билдирганлар.

Д.Бауэрсокснинг фикрича, транспорт логистика инфратузилмаси ишлаб чиқариш объектлари, ахборот воситалари, транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш ва тушириш терминаллари ва савдо дўконлардан иборатдир. Муаллифнинг фикрича, транспорт логистика инфратузилмасини ташкил этишда маълум географик жойлашуви бўлган объектлар (омбор комплекслари) сонини аниқлаш ва ҳар бир жойда сақланувчи маҳсулот заҳираларини ҳисоблаш керак. Шу билан бирга муаллиф, транспорт тармоқлари, транспорт воситалари ва транспорт компанияларини ўз ичига олган транспорт логистика инфратузилмасини алоҳида қайд этади [2].

Транспорт логистика инфратузилмаси деганда, деб ёзади А.Д. Чудаков, моддий-техника ресурслари етказиб берувчиларнинг таъминот занжири иштирокчилари, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот истеъмолчиларини тушунилади. Булар: моддий-техник таъминот, транспорт ва сақлаш, инвентаризацияни бошқариш, маркетинг фаолиятidir [3].

Бу ҳақда эса, А.Л.Носов қуйидаги фикри бор: логистика инфратузилмасига темир ва автомобиль йўллари, алоқа, турли хил транспорт, омбор хўжалиги ва турли хил иншоотларни киритади [4].

Тадқиқот методологияси. Ilmiy maqolada tahlil va sintez, tizimli yondashuv, iqtisodiy tahlil, guruhlash, ekspert baholash va taqqoslash usullaridan foydalanilgan.

Таҳлил ва натижалар. Транспорт-логистика марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш учун учун бир қатор муҳим ишларин амалга ошириш лозим.

Биринчидан, транспорт-логистикаси соҳасида —аниқ вақт|| ва —эшикдан эшиккача|| принцип асосида ишловчи, божхона, транспорт – экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатиш имкониятларига эга транспорт-логистика марказларини ташкил этишнинг аниқ ҳуқуқий механизми ва фаолиятни тўғридан тўғри тартибга солувчи қонун ёки қонуности ҳужжатларнинг ягона баъзаси шакллантириш.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда республикамиздаги транспорт-логистика соҳасидаги тарифларини пасайтириш. Логистика марказлари фаолиятида



юзага келаётган қатор тизимли муаммолардан бири яъни ҳаво транспортида юк ташишни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири бу тарифларнинг юқорилигидадир.

Хорижий давлатларда халқаро юк ташувчиларнинг транзити учун бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, Сингапур давлатида халқаро юк ташувчилар уч кун муддат ичида юкни божхона ҳудудидан олиб ўтганлиги учун тўлов ундирилмаслиги белгиланган. Агар уч кундан ортиқ вақт давомида юкни божхона ҳудудидан олиб ўтилса, ҳар бир кун учун 12 АҚШ долларида тўлов амалга ошириши белгиланган [8].

Худди шу каби ҳолатлар Италия давлатида уч кундан кейин ҳар бир кун учун 20 АҚШ доллари, Германияда беш кундан кейин ҳар бир кун учун 47 АҚШ доллари, Францияда беш кундан кейин ҳар бир кун учун 29 АҚШ доллари ҳамда Туркия давлатида ҳар бир кун учун 8 АҚШ долларида тўлов амалга оширилиши белгиланган [8].

Хусусан, Голландия давлатида транспорт комплекси хизматидан келадиган умумий фойданинг 40 фоизи транспорт логистика марказлари ҳисобига тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич Францияда 31 фоизни, Германияда 25 фоизни, Марказий ва шарқий Европа давлатларида ўртача 30 фоизни ташкил этмоқда.

Учинчидан, республикамизда халқаро транспорт-логистика марказларни ташкил этишда хусусий секторларнинг улушини кескин оширишга эришилган. Бирлашган Араб Амирликларидаги —Дубай|| халқаро аэропортида жойлашган логистика маркази орқали йилига 3 миллион тоннагача юк ўтказилиб, 26 миллиард долларга яқин даромад топмоқда [8].

Тўртинчидан, транспорт-логистика марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи идоравий тузилмани яратиш лозим. Латвия юк экспедитори ва логистика ассоциацияси, 1994 йил 15 августда ташкил этилган бўлиб, ушбу бирлашма Латвиядаги юк экспедиторлари ва божхона омборларини бирлаштириб, уларнинг маҳаллий ва халқаро миқёсида манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган. Мазкур бирлашма —Халқаро юк экспедиторлик ассоциацияси федерацияси|| (FIATA), —Халқаро логистика ва омборхона ассоциацияси федерацияси|| (IFWLA) аъзоси ҳисобланади. Ушбу ҳолатда Латвия транспорт-логистика тармоқлари халқаро тармоқлар ва бирлашмалар билан ўзаро интеграциялашганлигини кўриш мумкин [7].

Бешинчидан, юртимизда транспорт-логистика тармоқларини (марказлар) ривожлантиришга хусусий секторларни (аутсорсинг) ҳамда халқаро компанияларни жалб этиш учун миллий қонунчилигимизда транспортлогистикаси соҳасидаги жозибадорлик даражасини ошириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрда —2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг



ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида||ги ПҚ-3422- сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорига асосан автомобилларда халқаро юк ташишни амалга ошираётган миллий автотранспорт корхоналари ва транспорт- логистика компанияларини ривожлантириш мақсадида уларга 2022 йилнинг 1 январига қадар бир қатор имтиёзлар тақдим этилган [1].

Хулоса ва тавсиялар. Халқаро йўналишларда юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналарига шаҳарлараро йўналишларда юк ташишни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп вақт ўтмаган юкларни, шунингдек, бошқа товарларни ташиш ва омборларда жойлаштириш, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган транспорт воситалари, махсус техникани сотиб олишга имтиёзли даври 1 йилгача бўлган, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган кредитлар ажратиш ҳамда ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп вақт ўтмаган юкларни ташиш ва омборларда жойлаштириш учун кредитга сотиб олинаётган транспорт воситалари ва махсус техника шартномада кўрсатилган 100 фоизли қиймати бўйича ушбу кредитнинг гаров таъминоти сифатида тижорат банклари томонидан қабул қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Транспорт-логистика тармоқларини (марказлар) ривожлантиришга хусусий секторларни (аутсорсинг) ҳамда халқаро компанияларни жалб этиш учун қонунчиликдаги жозибадорлик етарли даражада эмас. Хорижий давлатлар Латвия, Россия, Беларусия ва Туркиянинг транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришда тақдим этилган имтиёзлари соҳасида илғор тажрибалари ўрганилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш учун энг аввало логистика экспедиторлик хизматларини ҳамда мултимодал логистика марказларини ривожлантириш орқали ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга эришиш мумкин.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрда —2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида||ги ПҚ-3422-сонли қарори.

2. Бауэрсокс Д. Логистика. Интегрированная цепь поставок. — М.: ОлимпБизнес, 2001.

3. Чудаков А.Д. Логистика. — М.: Рдл, 2001

4. Носов А.Л. Региональная логистика. — М.: Альфа-Пресс, 2007.



5. Оптимизация транспортных расходов - важный фактор устойчивого развития экономики: проблемы и решения. Аналитический доклад Центра экономических исследований. - Т., №09/2019, 49 с.

6. Иминов Т.Н., Курганов Х.Р. Современное значение и роль развития агропромышленного комплекса. Материалы III Международной научнопрактической конференции на тему «Современная наука: перспективы, достижения и инновации». Астрахан, Россия. 30 июня 2020 г., с.-70-72.

7. Иқтисодий тадқиқотлар марказининг таҳлилий ҳисоботи. - Т., 2020.

8. [www.tracesca-org.org](http://www.tracesca-org.org)

9. Жаҳон банкининг логистик кўрсаткичлар индекси йиллик ҳисоботи маълумотлари 2020 й. <https://lpi.worldbank.org/international/global>